

## АЛИМЕНТ ҮНДИРИШ ТҮҒРИСИДАГИ ИЖРО ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИЖРО ҚИЛИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Р.К.Тиллаев

Хуқуқни муҳофаза қилиш  
Академияси магистратураси тингловчиси

Алимент үндириш ҳақидаги суд буйруқлари, ҳал қилув қарорлари ҳамда алимент тўлаш тўғрисидаги нотариал тарзда тасдиқланган келишувлар ижро этилиши лозим бўлган суд ҳужжатлардан ҳисобланади.

Алимент үндириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари ҳам бошқа суд ижро ҳужжатлари сингари Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни билан давлат ижрочиларига берилган ваколатлар доирасида ижроси таъминланади. Амалиётда айrim ҳолатларда ушбу турдаги ижро ҳужжатларини ижро қилишда давлат ижрочиси муайян мураккабликларга, қонунчиликдаги бўшлиқларга дуч келади.

Фуқаролик процессида алимент үндиришга оид ишлар бўйича суд қарорларини ижро этиш ўзига хос хусусиятлари билан бошқа фуқаролик ишларидан ажралиб туради. Шу боис алимент үндиришга оид ишлар бўйича суд қарорларини ижро этишнинг ўзига хос процессуал хусусиятлари ҳамда бу борада суд амалиётидаги айrim муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича айrim фикр-мулоҳазаларга тўхталиб ўтамиз. Алимент ва алимент мажбуриятлари бўйича қарзларни үндириш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Оила Кодекси билан белгиланади. Ушбу турдаги суд қарорларини ижро этиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунга асосан амалга оширилади.

Мазкур Қонунининг 27-моддасига кўра, алимент үндируви билан боғлик ижро ҳужжатлари даврий тўловларни үндириш турига киради. Хусусан, ушбу ижро ҳужжати қарздорнинг фарзандлари вояга етгунга қадар, яъни 18 йилгача бўлган давр мобайнида ҳар ойда ижро этилишини талаб этади. Бунда, ижро ҳужжатлари алимент үндирилиши назарда тутилган бутун даврида ўз кучини сақлаб қолади. Бундай тартиб алиментлар тўлаш тўғрисидаги нотариал тарзда тасдиқланган келишувларга нисбатан ҳам амал қиласди<sup>70</sup>.

Айнан шу жиҳатига кўра, ушбу турдаги ижро ҳужжатларини ижрога қаратиш тартиби бошқа турдаги ижро ҳужжатларини ижрога қаратиш тартибидан фарқ қиласди.

<sup>70</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни. 29.08.2001 й. 258-II-сон. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 27.04.2023 й., 03/23/833/0236-сон. 27-модда. // Электрон манба: <https://lex.uz/docs/26477#26751>.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 449-моддасида суд томонидан ижро варақасини юбориш тартиби белгиланган бўлиб, унга кўра жиноят натижасида етказилган заар, алимент, майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача шикаст етганлик ўрнини қоплаш каби бир нечта ҳолатлар бўйича қабул қилинган қарорлари асосидаги ижро варақаларини суд ўз ташаббусига кўра ижро варақасини ижро этиш учун юбориши, давлат фойдасига мулкий ундирувлар бўйича ижро варақаси ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан сўнг уч иш куни ичида суд томонидан қарздорнинг жойлашган еридаги давлат ижрочисига юборилиши назарда тутилган<sup>71</sup>.

Ушбу моддадан маълумки, алимент ундирувлари жисмоний шахслар фойдасига бўлганлиги сабабли ушбу турдаги ишлар бўйича чиқарилган ижро варақалар давлат ижрочисига эмас, балки ундирувчига берилади.

Шунингдек, Оила Кодексининг 131-моддасига мувофиқ алимент тўлаш тўғрисидаги келишув ёзма шаклда тузилиб, нотариал тартибда тасдиқланиши ва ушбу келишув ижро варақаси кучига эга бўлиши белгилаб қўйилган<sup>72</sup>.

Мазкур ҳолатда ҳам алимент тўлаш тўғрисидаги келишувлар мажбурий ижрога қаратиласдан ундирувчига берилади.

Алимент ундирувлари билан боғлиқ қабул қилинган суд қарорларини ўрганиш жараёнида афсуски, бу ўрнатилган қонун нормалари амалиётда судлар томонидан кўпгина тушунмовчиликларга олиб келмоқда.

Ваҳоланки, Фуқаролик процессуал кодексининг 266-моддасига мувофиқ, суднинг алиментлар ундириш тўғрисидаги ҳал қилув қарори дарҳол ижро этилиши лозим бўлган қарор ҳисобланиб, дарҳол ижрога қаратилиши лозим<sup>73</sup>.

Юқоридаги муаммони ечими ўлароқ, фикримизча, Фуқаролик процессуал кодексининг 499-моддасига алиментларни ундириш бўйича ижро варақаларини ижро этиш учун бир нусхаси ундирувчига ва қарздор жойлашган ердаги давлат ижрочисига юборилишини кўзда тутувчи нормани киритиш лозим.

Ушбу норманинг киритилиши Фуқаролик процессуал кодексининг 266-моддаси таъсирчанлиги, хусусан, дарҳол ижро этилиши лозим бўлган процессуал ҳаракатланинг ўз вақтида ва тўлиқ ижро қилинишини таъминлашга хизмат қилади. Шунингдек, Қонунда алимент ундируви билан боғлиқ ижро ҳужжатлари бўйича ижро ҳаракатлари дарҳол ижро этилиши белгиланган<sup>74</sup>.

<sup>71</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал Кодекси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 27.04.2023 й., 03/23/833/0236-сон. 449-модда. // Электрон манба: <https://lex.uz/docs/3517337#3526690>.

<sup>72</sup> Ўзбекистон Республикасининг Оила Кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сонга илова; 08.05.2023 й., 03/23/838/0257-сон. 131-модда. // Электрон манба: <https://lex.uz/docs/104720#159377>.

<sup>73</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал Кодекси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 27.04.2023 й., 03/23/833/0236-сон. 266-модда. // Электрон манба: <https://lex.uz/docs/3517337#3523916>.

<sup>74</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни. 29.08.2001 й. 258-II-сон. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 27.04.2023 й., 03/23/833/0236-сон.. 30-модда. // Электрон манба: <https://lex.uz/docs/26477#1336011>.

Амалиётда аксарият ҳолларда ижро варақалари ундирувчилар томонидан ўз вақтида, яъни ижро ҳужжатини олган пайтда мажбурий ижро этиш учун қарздор яшайдиган жойдаги давлат ижрочисига топширмасдан орадан бир неча йиллар ўтганидан кейин давлат ижрочисига мурожаат қилиши кузатилади.

А.Ҳамидов давлат ижрочисининг ушбу ижро ҳужжати бўйича алиментни мажбурий тартибда ундиришга қаратилган барча (маъмурӣ ва жиноий) процессуал ҳаракатларига қарамасдан аксарият ҳолларда алимент миқдори қарздорнинг иқтисодий ҳолатига нисбатан анча катта миқдорни ташкил этгани сабабли аксарият ҳолатларда ундирилмай қолаётгани, бунинг оқибатида эса вояга етмаганнинг манфаатларига зиён етказилаётган ҳолатлари мавжуд деган фикрни илгари суради<sup>75</sup>.

Юқоридагиларга қўшилган ҳолда, қўшимча қилиб шуни айтиш жоизки, бундай вазиятларнинг вужудга келишига, баъзида даъвогар тарафнинг қарздорга нисбатан хусумати туфайли касдан, баъзан эса етарли ҳуқуқий билимга эга эмаслиги ва бепарволиги сабаб бўлмоқда.

Шу муносабат билан, ушбу турдаги ишлар судда кўриб чиқилганидан кейин ижро варақасини бериш тартибига ўзгартириш киритиш, яъни ФПКнинг 449-моддасининг 2-қисмида давлат фойдасига мулкий ундирувлар каби алимент ундириш тўғрисидаги ижро варақасини ҳам суд томонидан мажбурий тартибда қарздорнинг жойлашган еридаги давлат ижрочисига юборилиши назарда тутиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Вояга етмаган ва вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож шахслар учун ўз вақтида моддий таъминот олиш хаёт кечиришининг зарур эҳтиёжи эканлигини ҳисобга олган ҳолда, алимент қарздорлигини қонуний муддатда ва тўғри ундирилиши муҳимdir.

Вояга етмаган болаларга нисбатан алимент ундиришнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд бўлиб, алимент:

- ҳар бир вояга етмаган бола учун алоҳида тўланади;
- ҳар ойда тўланади;
- туғилгандан бошлаб, вояга етгунга қадар тўланади;
- ҳар бир вояга етмаган боланинг таъминоти учун қаерда бўлишидан қатъи назар тўланади;
- ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-она учун ҳам сақланиб қолади;
- оиласий ҳуқуқий мажбуриятлар ичида алимент тўлашни бажармаганлик маъмурӣ ва жиноий жавобгарликка олиб келади.

<sup>75</sup> Ҳамидов А.О. “Ўзбекистон Республикасида Бола ҳуқуқларининг кафолатлари”. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси Ахборотномаси. З-сон. 2018 й. 83-б.

«Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги [Конвенция](#) талаблари асосида ишлаб чиқилган ҳуқуқий базада, вояга етмаган ва вояга етган меҳнатга лаёқатсиз болаларнинг моддий таъминот олиш ҳуқуқи аниқ белгилаб қўйилганлигини кўриш мумкин.

Судларнинг ижро варақаси, суд буйруғи судьянинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган электрон ҳужжат тарзида ахборот тизими орқали тақдим этилиши мумкин<sup>76</sup>. Ижро ҳужжатининг асл нусхаси йўқолган тақдирда, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг дубликати үндирув учун асос бўлади.

Таъкидлаш жоизки, ижрога қаратилган суд қарорларининг салмоқли қисми айнан алимент үндириш ҳақидаги ижро ҳужжатлари ҳисобланади. Шу сабабдан, ҳар бир ҳудудий бўлинмаларда фақат ушбу турдаги ижро ҳужжатларини ижро қилиш учун алоҳида бир ёки икки нафар давлат ижрочиларининг зиммасига юклатиш бугунги кунда Бюroda амалиёт тусига кирган. Алимент үндируви вазифаси юклатилган давлат ижрочисига бошқа турдаги ижро ҳужжатлари бириклирмайди.

Таҳлилларга кўра, ушбу йўналишга бириклирлган ҳар бир давлат ижрочисининг ўртача иш ҳажми 500 тадан ортиқ ижро ҳужжатлари тўғри келади. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 04.03.2011 йилдаги Адлия вазирлиги томонидан 22, 13-ҚҚ-сон билан рўйҳатга олинган Қарори билан тасдиқланган «Суд ижрочиларининг иш ҳажми меъёрлари»га кўра, битта давлат ижрочиси иш юритувига ойига 14 та, йилига эса 159 та алимент үндириш билан боғлиқ суд ҳужжатлари тўғри келиши кераклиги белгиланган. Бу ҳолат эса амалиётда давлат ижрочиси томонидан ўз иш юритвидаги барча алимент үндириш тўғрисидаги ижро ҳужжатларининг тўлиқ ижро этилмаётганининг объектив сабаби ҳисобланади.

Ижро ҳаракатлари давомида алимент мажбуриятларининг бажарилмаслиги деярли барча ҳолатларда қарздорнинг ишсизлиги, оғир оиласвий шароити ёки унинг назорат қилиб бўлмайдиган даромадлари билан боғлиқ бўлади.

Муаммолар ва уларнинг ечимига эътибор қаратсак, суд ва ижро ишини юритиш амалиётида аксарият алимент олаётган аёллар (оналар) болалар таъминоти учун алимент олиш билан бирга жавобгар (ота) билан бирга яшайдилар. Лекин, буни ўз вақтида давлат ижрочиларига маълум қилмайдилар, бу эса тегишли ҳужжатларни тўлдиришда айрим муаммолар келтириб чиқаради. Аксарият алимент мажбуриятларини бажараётган ота (қарздор)лар она (ундирувчи)лар билан келишиб, ижро иши юритувини тамомланишига эришадилар. Бироз муддат ўтгач, тарафлар ўртасида зиддиятлар пайдо бўлиши натижасида яна судга ёки ижро бўлимига қайта мурожаат қиладилар. Кўп ҳолатларда бу каби вазиятлардан фойдаланган қарздор

<sup>76</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни. 29.08.2001 й. 258-II-сон. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 27.04.2023 й., 03/23/833/0236-сон. 7-модда. // Электрон манба: <https://lex.uz/docs/26477#26572>

белгиланган таъқиқни ечиб, хорижга чиқиб кетган бўлади. Мазкур ҳолат давлат ижрочилари алимент ундируви билан боғлиқ баъзи муаммоларни юзага келтиради.

Шунингдек, қарздорнинг қидирувда эканлиги ёки чет элга чиқиб кетганлиги, жазони ижро этиш муассасасида жазо ўтаётганлиги ёхуд бошқа важлар билан алимент мажбуриятини таъминланмаслиги ундирувчиларнинг кўплаб ҳақли эътиrozларига ва бу борада давлат органларига кўплаб мурожаатлар йўллашига сабаб бўлиши табиий албатта.

Айнан шу сабабли бугунги кунда алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатларининг ижроси аҳволи Бюронинг энг муаммоли ва аҳоли норозилигини келтириб чиқарадиган асосий соҳа ҳисобланади.

Алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари Бюронинг иш юритувидаги жами ижро ҳужжатларининг деярли 25 фоизини ташкил этса, ушбу ижро ҳужжатлари бўйича Бюрога келиб тушаётган мурожаатлар жами ижро ҳужжатлари юзасидан йўлланаётган мурожаатларнинг 60 фоизидан ортиғини ташкил этади.

Давлат ижрочилари ушбу турдаги ижро ҳужжатлари бўйича ҳар ойда ижрони амалга ошириш ёки бўлмаса қарздорлар ўз вақтида ундирувчиларга белгиланган суммани тўлаб бораётганини назорат қилишда қийинчиликлар туғдирмоқда. Оқибатда, аксарият алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари бўйича фақатгина ундирувчи томонидан ариза келиб тушгандан кейингина давлат ижрошиши шуғулланиш амалиётга кириб қолган. Бу ҳолат эса соҳага оид қонунчиликни амалга оширишдаги тизимли камчилик десак муболаға бўлмайди.

Бу каби ҳолатларнинг қай бирини таҳлил қилманг, вояга етмаган фарзанднинг қонуний манфаатлари бузилаётганини кўришимиз мумкин.

Яна бир масала, вояга етмаган болалар таъминоти учун алиментлар вояга етмаган ҳамда моддий ёрдамга муҳтоҷ боланинг моддий таъминоти учунгина тўланиши лозим. Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни 40-моддаси 1-бандига мувофиқ, ундирувчи томонидан алимент ва бошқа даврий тўловларни ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати ижросиз қайтариб олингач, маълум вақт мобайнида ижро ҳужжати ундирувчининг ўзида сақланиб, қайта ижро қилинишини сўраб Бюронинг тегишли бўлинмасига қайта топширилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал Кодекснинг 451-моддасига асосан суднинг ҳал қилув қарори мажбурий тартибда ижро этиш учун, агар қонунда бошқа муддат белгиланмаган бўлса, у қонуний кучга кирган пайтдан эътиборан уч йил ичида тақдим этилиши мумкин<sup>77</sup>.

Ушбу нормаларга асосан ундирувчи ижро ҳужжатини ижрога топшириш кунига қадар бўлган уч йиллик муддат бўйича алимент пулларини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

<sup>77</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал Кодекси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 27.04.2023 й., 03/23/833/0236-сон. 451-модда. // Электрон манба: <https://lex.uz/docs/3517337#3526712>.

Яъни, ижро ҳужжатини ўзи билан олиб кетган ундирувчи муддат ўтиши билан ижро ҳужжатини қайта ижрота топшириш жараёнида қарздордан ўттиз олти ойлик алимент ва бошқа даврий тўлов пулларини талаб қилишга ҳақли.

Мазкур ҳолатда ундирувчиларнинг ҳаммаси ҳам Қонуннинг 40-моддаси 1-бандига асосан ижро ҳужжатини уч йил давомида сақлаб ўтирмаслигини таъкидловчилар кўпчиликни ташкил қилиши аниқ. Амалиёт шуни кўрсатадики, ижро ҳужжатини Қонуннинг 40-моддаси 1-бандига асосан ижросиз қайтариб олиб, уч йиллик муддат ўтгандан сўнг қайта ижрота топшириб, охирги уч йиллик алимент ва бошқа даврий тўлов пулларини унидириб беришни талаб қилувчи аксарият ундирувчилар қарздор (собиқ турмуш ўртоғи)нинг иқтисодий аҳволини ёмонлаштириш ҳамда уни мазкур қарздорликни тўлай олмаслик даражасига тушириш мақсадини кўзлади.

Шу сабабли, суд қароридан оддий қасос ёхуд ўч олиш воситасига айлантирилишини олдини олиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Мазкур ҳолатни рақамларда кўриб чиқсан. Мисол учун, бир нафар фарзанди учун алимент олувчи шахс, яъни ундирувчи ижро ҳужжатини Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни 40-моддаси 1-бандига асосан ўз аризасига асосан ихтиёрий қайтариб олиб, уч йиллик муддат ўтгандан сўнг қайта ижрота топшириб, охирги уч йиллик алимент пулларини ундиришни талаб қилмоқда. Тўлов суммаси:

биринчи ҳолатда – Оила Кодексининг 99-моддаси иккинчи қисми билан белгиланган энг кам суммадан келиб чиқсан – 9.349.200 сўмни (2023 йил 1 майдан бошлаб Республикаизда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори ойига 980 000 сўм ҳисобидан 26,5 фоизи 259.700 сўм \* 36 ой);

иккинчи ҳолатда - вақтинчалик меҳнат фаолиятига эга бўлмаган қарздор учун Оила кодексининг 140-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ Республигадаги ўртacha ойлик иш ҳақи миқдори бўйича – 39.095.991 сўмни ( $1.085.999,75 * 36$ )<sup>78</sup> ташкил қиласди.

Ушбу қарздорлик суммаси қарздор томонидан бир йўла тўланиши унинг учун мушкул ҳолатни юзага келтириши аниқ. Мазкур ҳолатда, ижро варақаси бўйича ижрони таъминлаш мақсадида давлат ижрочиси томонидан қарздорга нисбатан мажбурий таъсир чоралари, шу жумладан, қарздорнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 47<sup>4</sup>-моддасига асосан маъмурий жавобгарликка ҳамда Жиноят Кодексининг 122-моддасига асосан жиноий жавобгарликка тортиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатларни амалга ошириши лозим бўлади.

О.В.Ванюхин вояга етмаган фарзандлар фойдасига алимент ундиришнинг самарали таъсир чораларидан бири сифатида алимент тўлашдан бўйин товлаётган

<sup>78</sup> Электрон манба: <https://mib.uz/calculator>.

шахсга нисбатан автотранспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини чеклашни келтиради<sup>79</sup>. Фикримизча, вояга етмаган болалар манфаатларининг устунилигини ҳисобга олган ҳолда қонунчиликка ушбу амалиётни киритиш ўз самарасини беради. Қолаверса, шу каби алимент үндиришга қаратилган муқобил чораларнинг қонунчиликда белгиланганлиги ижро иши юритувининг самарадорлигини оширишга хизмат қиласи.

Қарздорлик суммасидан келиб чиқадиган бўлсак, қарздорга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 47<sup>4</sup>-моддасига асосан маъмурий жавобгарлик ва Жиноят Кодексининг 122-моддасига кўра жиноий жавобгарлик юзага келиши хақиқатга яқинроқ. Ўз ўрнида, мазкур ҳолат үндирувчига қарздорга нисбатан оталик ҳуқуқини бекор қилиш тўғрисида даъво талаби билан фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиши учун асос бўлади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, болалик давлат муҳофазасида. Бироқ, мазкур муҳофаза функцияси үндирувчи (она ёки ота) учун қарздор (ота ёки она)дан шахсий адватлари йўлида қурол бўлиб хизмат қилмаслиги лозим. Зоро, суд ҳужжати ижроси самараси унинг ўз вақтида ижрога қаратилиши билан ҳам боғлиқлигини инобатга олган ҳолда, уни ижрога қаратиш муддатлари ва тартибига, суд ҳужжатини ижро этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга нисбатан адолат тамойилларига оғишмай риоя этилиши лозим.

Ш.Ишонқулов “Алимент үндириш тўғрисидаги суд қарорларини мажбурий ижро этиш масалалари” мавзусидаги мақоласида, алимент үндириш тўғрисидаги суд қарорларини мажбурий ижро этишда нафақат үндирувчининг балки қарздорнинг ҳам ҳуқуқларини тенг ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни 40-моддасига олтинчи қисм сифатида қўйидаги мазмундаги нормани киритишни таклиф этади<sup>80</sup>:

“Алимент ва бошқа даврий тўловларни үндириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари үндирувчининг аризасига кўра ихтиёрий қайтариб олиниб, кейинчалик қайта ижрога топширилган тақдирда, үндирувчи қайта ижрога топширилган кунга қадар бўлган охирги олти ойлик давр учун қарздорликни үндиришга ҳақли”.

Ш.Ишонқуловнинг ушбу таклифи бироз мунозарали деб ҳисоблаймиз ва юқорида баён этилган тарафларнинг тенг ҳуқуқлилиги, уларнинг ижтимоий ҳимояси, хусусан вояга етмаганнинг манфаатига зид келади деган фикрдамиз.

Шу билан бирга, моддий жиҳатдан алимент тўлашга имкони йўқ қарздорлардан алимент суммаларини үндиришни таъминлашнинг энг мақбул йўли уларни меҳнатга

<sup>79</sup> Ванюхин О.В. Принудительное взыскание алиментов и вопросы его совершенствования // Пробелы в российском законодательстве. № 4, 2015. –С. 98.

<sup>80</sup> Ишонқулов Ш.С. “Алимент үндириш тўғрисидаги суд қарорларини мажбурий ижро этиш масалалари”. Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. 4-максус сон. 2020 й. 97-6. (Ishonkulov Sh. S. " Issues of compulsory execution of court decisions on alimony recovery". Journal of law research. Special issue-4. 2020 y. P 97).

жалб этиб, иш ҳақидан алимент тўловларини ундириб бериш орқали вояга етмаганнинг таъминотини яхшилаш, шунингдек алимент ундирилмаётганлиги юзасидан келиб тушаётган кўплаб мурожаатларнинг сонини камайтиришга эришишдир.

Маълумки, Бюронинг туман-شاҳар бўлимлари ва тегишли ҳудудий аҳоли бандлигини таъминлаш идоралари ўртасида мунтазам равишда ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, бўш иш ўринлари тўғрисида маълумотлар алмашинуви олиб борилаётганлигига қарамасдан, хусусий иш берувчи корхоналарга алимент бўйича қарздорларни ишга жойлаштириш жараёни жуда қийин кечади.

Бу ҳолатга алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари ходимнинг иш ҳақига қаратилганда давлат ижроини томонидан иш берувчи ижро ҳужжатининг ижросини таъминлаши, яъни белгиланган сумма қарздорнинг иш ҳақидан ушлаб қолиши ва ўз вақтида ундирувчига юборишини текшириши ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатади.

Меҳнат қонунчилигига кўра, меҳнат шартномаси иш берувчи ва ходим ўртасида ихтиёрий тузилиши белгиланганлиги учун қарздорларни давлат ижроини томонидан мажбуран ишга жойлаштириб бўлмайди.

Бундай ҳолда, алимент тўлай олмаётган қарздорларни иш билан таъминлаш мақсадида улар билан меҳнат шартномаларини тузган хусусий сектор, яъни иш берувчи хўжалик юритувчи субъектларга солиқ ва бошқа соҳаларда тегишли имтиёзлар тақдим этиш орқали уларни алимент тўловчиларни ишга қабул қилганлиги учун рағбатлантириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.